"Тошкент оқшоми" газетасининг иловаси №39

# ТАБИАТ ва ИНСОН

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг саҳифаси



Долзарб мавзу

## ҲАР ИШДА МЕЪЁР БЎЛСИН

Оламга ботиний идрок билан назар солсангиз, ҳар нарсанинг меъёри борлигига, табиат ана шу меъёрни ҳеч қачон бузмаслигига гувоҳ бўласиз. Меъёри бузилган жойда албатта номутаносиблик пайдо бўлиб, турли кўнгилсизликлар келиб чиқиши табиий. Фақат бугина эмас, одамзоднинг ейиш-ичиши, меҳнат қилишида ҳам, корхоналарнинг иш жараёнида ҳам — қўйингчи, ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида қатъий меъёрга амал қилишимиз керак. Бу ҳолат табиат билан бўлган муносабатимизда, айниқса, яққол кўринади.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг шу йилнинг бошидаги ҳисоб-китобларига кўра шаҳримиз ҳавосини ифлослантирадиган 651 корхона қатъий назоратимиз остида турибди. Ушбу корхоналардан 70 таси йирик саналиб, ҳавога йилига юз тоннадан зиёд зарарли моддалар чиқаради. 150 корхона 10 тоннадан 100 тоннагача, 200 таси эса 10 тоннага етар-етмас чиқиндилар билан ҳавони "бойитиб" туради. Яна 231 автотранспорт корхоналари ҳам диққат-эътиборимизда турибди.

Албатта, юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар нарсанинг меъёри бор. 523 саноат ва 131 автотранспорт корхоналари чиқарадиган чиқиндиларга қатъий меъёр белгиланган. Улар умумий ҳисобнинг 91 ва 85 фоизини ташкил этади. Шундай қилиб шаҳардаги деярли барча корхоналарни назорат остига олганмиз. Фақат янги тузилаётган кичик ва қўшма корхоналарга ҳам шундай меъёр белгиланиши керак.

Меъёрлаштириш жараёнида 475 ҳужжатлар билан танишиб чиқишга тўғри келди. Улар, ўз-ўзидан маълумки, ҳавога заҳарли моддалар чиқарувчи манбалар, меъёрий рухсатлар лойиҳаларидир. Зарарли моддалар чиқаришнинг йўл қўйилган меъёри шаҳар бўйича бир йилга 28.819 тонна 520 килограмм қилиб белгиланган. Шунга амал қилсаккина шаҳримиз ҳавоси инсон саломатлигига зиён-захмат етказмайди. Ҳужжатларни кўраётган пайтимизда бу рақам 44330 тонна 280 килограммга кўтарилиб кетганди. Хайриятки 1993 йилда чиқиндиларнинг умумий миқдори 22243 тоннагача камайтирилди.

Йирик корхоналарнинг кўпчилиги меъёрга қаттиқ эътибор бераётгани кишини хурсанд қилади. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасидаги 2 ва 3-вагранкаларга қўшимча тозаловчи қурилмалар ўрнатилгандан сўнг, ҳавога аралашаётган зарарли моддалар икки баробар — 367 тоннага камайди. Буғ қозонлари алмаштирилгандан кейин бу рақам яна 23 тоннага камайди. Рангли металларни иккиламчи ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси шлакларни совутадиган қурилмаларни ўрнатгач ҳавони ифлослантириш 35 тоннага камайди. Кўн-мўйна заводидаги қозонхонанинг қора мой билан ишлашдан газга ўтказилишининг ўзи чиқиндиларни 55 тоннага камайтирди. "Ўзпластитал" қўшма корхонасида термокаталитик реактор ишга тушиши натижасида бу ерда ҳам чиқиндилар 9 тоннага камайди.

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети корхоналар билан биргаликда олиб борган ҳамкорлиги туфайли Чирчиқ дарёсига, Салор, Қорақамиш, Баротхўжа, Зах, Қорақудуқ каналларига ифлосланган оқава сувларни ташлайдиган 13 манбага барҳам берилди. "Фотон", "Ўзэлектроаппарат" ишлаб чиқариш бирлашмалари, "Тошкимёфарм" заводидаги биттадан манба ҳам тугатилди.

Буларнинг ҳаммаси минглаб кубометр тоза ичимлиқ сувларини сақлаб қолиш, ҳавонинг мусаффолигини таъминлаш имконини бермоқда. Буларнинг ҳаммаси ўз ишига лоқайдлик билан эмас, масъулият билан ёндошишнинг меваларидир.

Шундай бўлса ҳам кўпгина корхоналарда кўнгил хираликларга дуч келаяпмиз. Кўпгина корхоналар табиатни муҳофаза қилиш комитети йўл-йўриқларига беписандлик билан муносабатда бўляптилар. Йўл-йўриқларни ҳатто йиллаб бажармаётган корхоналар бор. Бундай жойларда меъёр ҳақида ҳатто сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Агарда барча корхоналар мутасаддилари бир ёқадан бош чиқариб, якдил бўлиб ишлаганида ишимиз, шубҳасиз, янада олға силжиган бўлар эди.

Шу ўринда кўрилган маъмурий чоралар, солинган жарималар ҳақида ҳам, гарчи дилимиз оғриб бўлсада, айтиб ўтмоғимиз керак деб ўйлайман. 1994 йилнинг биринчи ярмида жарималар жами 2075000 сўм-купонни ташкил этди. Жарима тўлаганлар орасида "Тошкимёфарм", "Ўзқишлоқмаш", "Тошкент трактор заводи" ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент иссиқлик маркази, фуқаро авиациясининг 243-заводи, Бектемир темир-бетон буюмлари заводи ва бошқа корхоналар бор. Табиат муҳофазасига оид йўл-йўриқларни ўз вақтида бажармагани учун "Тошкент" тепловоз депоси, металлни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент таъмир-механика заводи, Тошкент ёғочни қайта ишлаш комбинати, 13-кўприксозлар бўлинмасининг айрим цехлари, участкалари фаолияти тўхтатиб қўйилди. Худди шундай камчиликлар стандартлаш ва метрология соҳаларида ҳам учрайди. Комитетимиз нозирлари ўз вақтида барча камчиликларни аниқлаб, тегишли йўл-йўриқлар, таклифлар беришди. Энди бутун гап уларнинг бажарилишида.

Табиатни ҳамиша ўзимизга қиёс этишимиз керак. Инсон табиатан меъёридан ортиқ юмуш қилолмайди. Буни барчамиз тушунамиз. Табиат ҳам худди шундай. Хўжасизлик, лоқайдлик, совуққонлик туфайли унинг мутаносиблигини бузиб, оғир оқибатларни келтириб чиқарган эканмиз, энди меҳр-муҳаббат, зийраклик билан шу оқибатларни тугатишимиз керак. Бу келажак олдидаги бурчимиздир. Бинобарин ҳар бир ишимизда меъёр бўлсин! Айниқса она табиатимизга муносабатимизда.

**Хайрихон РАЖАБОВА,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг масъул ходими.**

Лирик лавҳа

## ТОНГ ОҒУШИДА

Юқори қаватда яшайдиганлар тонготар палласини кўриб, қанчалар роҳат қилишини тасаввур эта оласизми? Айтайлик тўққизинчи қаватдасиз. Шаҳар худди кафтингизда тургандек. Во ажабо! Кўчаларда кезганингизда уйлару машиналар сон-саноқсиздек туюлар, ҳатто ўзингизни бироз сиқилгандек сезардингиз. Ҳозир эса фақатгина ям-яшил дарахтлар нигоҳингизга ором бағишлайди!

Ҳаво шунчалар мусаффо! Ҳур-ҳур эсаётган майин шаббодаларга очиқ кўксингизни тутгингиз, тўйиб-тўйиб нафас олгингиз келади. Айниқса, япроқлардаги шабнам томчилари шунчалар мунис кўринадики!..

Уфқларга қарайсиз. Уфқ худди ўсма қўйган қизнинг қошидек сурма ранг. Қарайсизу кўзингизни ололмайсиз. Табиат бунчалар кўркам рангни қаердан олибди экан! Кеча оқшомда япроқлари эринибгина эсган шамолда беҳолгина қимирлаётган дарахтлар бирам тетикки! Назарингизда тун бўйи у ҳам қувват олгандек. Япроқлар бўлса оҳиста қарсак чалаётган болага ўхшайди-я!

Шаббода саъвами, ғурракми — худо билсин балки булбулдир — овозини қулоғингизга элас-элас олиб келади. Шунда сиз "Шаҳарда қуш зоти қолмовди-ку" деб ўйлайсиз. Қуш сайроғи эса дам сокин, дам сал баланд эшитилаверади. У худди тонг уйқусида мудраётган шаҳримизга алла айтаётганга ўхшайди.

Юрагингиз қандайдир илиқ ҳаяжонга тўлади. Шаҳар, муаззам, боши тошдан бўлган шаҳар орастаю озода кўринади кўзингизга. Кечагина кўрганингиз чанг-тўзон, осмонни тўлдириб илондек буралиб юрган тутунлар, оёқ остида мўр-малахдек ётадиган чиқиндилар йўқ. Ҳатто сув нималигини гоҳ билиб, гоҳ билмайдиган бетон ариқлар ҳам ғашингизга теголмайди. Кўзингиз яшилликни, тонг тароватини кўради, холос. Нилий кўк гумбазида Чўлпон юлдузию ерда сиз борсиз, холос.

Тушиб хиёбонларда кезгингиз, гиёҳларга қўнган шабнамларга қўл ювгингиз келади. Лекин шабнамни тўкиб юборишни хоҳламайсиз.

Олам ёришгандан ёришади. Қуёшнинг заррин нури илк бор ўша шабнамларга тушади. Нурлар минг бир тусда жилоланади. Қуёш ҳа чанқаб бош кўтарган чоғи, шабнамларни бирпасда "ичиб қўяди".

Олам қанчалар мусаффо! Олам қанчалар гўзал! Табиат бунча мукаммал! Саҳарларда қалбингиздан кечган ўйлар шундоқ бўлса ажаб эмас! Саҳарда туринг, азиз ҳамшаҳар! Шаҳримизни тонг оғушида кўринг. Шунда: "Табиат Тошкентимизни бағрида бунчалар эркалайдия!" деб юборишингизга ишонаман. Саҳарлардаги мунис манзаралар кўзингизни қувнатиб, қалбингизга нақш бўлишини истайман.

Она шаҳрим, сени ҳам ҳамиша саҳарлардаги каби покиза, ўн гулидан бир гули очилмагандек кўргим келади.

Азиз ҳамшаҳар! Саҳарда туриб, шаҳримизга боқинг. Шундагина унинг гўзал тонгларининг қадрига етамиз. Бир умр ардоқлаб ўтамиз. Негаки, саҳар дилга солган муҳаббат ўз меваларини бериб, шаҳримизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшамиз.

**Толиб САЪДУЛЛО.**

Фан ва техника оламида

## ЧИҚИНДИЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Япониянинг Осака шаҳрида жойлашган "Муҳим экологик технологиялар илмий тадқиқот институти" номини олган шахсий компания ўтган йилдан бошлаб "Чиқиндиларга йўл йўқ" шиори остида ишламоқда. Унинг президенти Иошикацу Фудзи ҳар қандай маиший, идоравий ва саноат чиқиндилари худди хом ашё каби ёки энергия манбаи сингари қайта ишлашда ўз ўрнини топади деб ҳисоблайди.

Чиндан ҳам институтнинг бу соҳадаги ишлаб чиқарган қўлланмалари ўзига хосдир. 7 йил мобайнида институт майдаланган ва қирқилган органик бўлмаган моддаларни ўзига хос қурилиш материалларига айлантириш билан шуғулланиб келади. Компаниянинг биринчи вазифаси кислота ёмғирларида осонгина парчаланиб кетадиган бетонни муҳофаза қиладиган воситаларни топишдан иборат.

Қора металлургия корхоналарида кўплаб миқдорда ҳосил бўладиган шлаклардан иморатларнинг каркасларини, томларни ёпиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бундан ташқари институтнинг ишланмалари қирқилган, майдаланган қоғозлардан блок ва панеллар ишлаб чиқариш мумкинлигини исботлади. Улардан иссиқлик изоляторлари тайёрланиши мумкин.

Институтда ниҳоятда кўп соҳа билан шуғулланишади. У ерда чиқиндилардан йўлкаларда ишлатиладиган плиткалар, черепицалар тайёрланади.

Кўпгина мамлакатлар, хусусан Осиё минтақасидаги давлатлар ушбу технологияга катта эътибор билан қарайдилар. Институт ҳозир тупроқдаги заҳарли қурум моддаларини йўқотадиган лойиҳа устида Хитойнинг буюртмаси асосида иш олиб бормоқда. Тайвань шлакдан фойдаланиш усулларини ўрганмоқда. Жанубий Корея бўлса кислотали ёмғирлардан қурилиш материалларини сақлаш масалаларига катта қизиқиш билан қарамоқда.

Институт чинакамига янги ғоялар хазинасидир. Ҳозир институт олимлари телефон справочник китобларини бир ёқли қилиш устида шуғулланишмоқда. "Ниппон телеграф энд телефон" корпорацияси ҳар бир абонентига телефон маълумотномаси тайёрлаб, тарқатади. Бу иш ҳар йили қайтадан қилинади. Оқибатда жуда ҳам кўп миқдорда қоғоз тўпланиб қолади. Институт улардан телефон қутиларига томча тайёрлашни йўлга қўймоқда.

— Бизнинг асосий мақсадимиз, — дейди компания президенти Фудзи, — охир-оқибатда барча чиқиндиларни ишлаб чиқаришга қайтаришдир. Лекин бунга фақат бизнинггина кучимиз етмайди. Бу ишга барча аҳоли, барча қизиққан ташкилотлар бош қўшмоғи керак. Биз бундай системани ишлаб чиқаришга жорий этишни ҳар томонлама тадқиқ этишга тайёрмиз.

Япония тадбиркорларининг бу ташаббуси жаҳон бўйлаб қанот ёзса қандай соз иш бўлар эди.

**Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.**

Гапни гапир уққанга

## УНУТИШМАСА БАС

Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг ҳайъат мажлиси "Тошқурилиштранс" ишлаб чиқариш бирлашмаси автосаройлари ҳамда "Ўзсаноатфуқароқурилиш" корпорациясининг 8-автобазаси ишини кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди.

Ҳайъат барча тегишли ҳужжатларни синчиклаб ўрганди. Нозирларнинг ахборотини тинглади ва иккала автокорхонанинг атроф-муҳитни ифлослантириш даражаси бир мисқол ҳам камаймаётганини таъкидлади.

Келинг, шу ерда рақамларга мурожаат қилайлик. Об-ҳавога чиқарилган зарарли ва заҳарли чиқиндилар, турли газлар йилига 36 тоннани ташкил этди. Бу тасарруфда турган 1614 та автомобилларнинг "хизматидир". Уларнинг 70 фоизи дизелли, 66 фоизи бензин билан ишлайди, 7 фоизи эса газ билан ҳаракатланади.

Автомобилларнинг кўплиги жуда яхши. Ҳаммаси юриб турса ундан ҳам яхши. Лекин шу автомобилларнинг ҳолати яхши эканлигига, экологик талабларга жавоб бера олишига кафолат борми?

"Тошқурилиштранс" ишлаб чиқариш бирлашмасининг 6-автосаройининг ҳаммасида ҳам табиат муҳофазасига оид тадбирлар ўтказиш кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Автомобилларнинг экологик гувоҳномалари йўқ. Зарарли моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёри ишлаб чиқилмаган. Махсус сувдан фойдаланишга умуман эътибор берилмайди. Қуюқ газларнинг ҳосил бўлиши олдини олувчи, уни тозаловчи мосламалар йўқ даражада. Шу йилнинг биринчи ярмида бор-йўғи 56 машинага газ тозаловчи мосламалар ўрнатилган, холос.

8-автобазадаги 285 машинада ҳам меъёр деган нарсага эътибор берилмаган. Чиқиндилар чиқаришга рухсат қоғози йўқ. Ана шундан кейин табиат муҳофазасининг қай аҳволда эканлигини ўзингиз билиб олаверинг.

12-автобус саройидаги 165 машинанинг барчасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид чора-тадбирлар белгиланмаган. 1990 йилдан бери сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома расмийлаштирилмаган. Бир неча йилдан бери қайта ишланган сув билан ишлайдиган автомашиналарнинг ювиш жойини қуриш аччиқ ичакдек чўзилиб келяпти. 10-автосаройдаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас.

Саноат оқава сувларининг кўплиги, айниқса, кишини ташвишлантиради. "Тошқурилиштранс"нинг фақатгина 2 ва 10-автосаройида ёмғир сувлари тўпланадиган ҳавза бор. Ифлосланган сувлар ўз-ўзидан маълумки, яхшилаб муҳофазаланмаса ер ости сувларига салбий таъсир кўрсатади.

Ёнилғи сақланадиган омборлар барча автосаройларда ер остида — чуқурларда жойлашган. Уларнинг силқиб ётиши тупроқни доимо ифлослантириб туради. Хусусан 9-автосаройнинг Чирчиқ дарёсидан 80 километр узоқликда жойлашган ёнилғи омборлари ўта хавфлидир.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети ҳайъати ўз қарорида автотранспорт воситаларининг экологик аҳволини назорат қилишни кучайтириш, давлат стандарти идораларида газоанализаторларни текшириш ва созлашни шу йилнинг августигача тугатиш, табиатни муҳофаза қилиш комитетининг барча йўл-йўриқларини амалда жорий этиш, 1, 10, 12-автосаройларда шу йил августгача автомобилларни ювиш жойини қуриб ишга тушириш, 4, 9-автосаройлардаги қозонхоналарни 1995 йил июнь ойигача газ билан ишлашга ўтказиш ёки марказий иссиқлик таъминотига улаш, автомашиналарнинг санитария ҳолатларини текширишни янада кучайтириш, барча ёнилғи омборларини қайтадан қуриш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таъкидланди.

Қани, бу галги ҳайъат қарорининг ижроси қандай бўлар экан — буни келажак кўрсатади. Лекин "Тошқурилиштранс" ишлаб чиқариш бирлашмасининг қарамоғидаги автосаройларнинг, "Ўзсаноатфуқароқурилиш" корпорациясининг 8-автобазаси мутасаддилари кўрилаёган тадбирлар энг аввало одамларнинг сиҳат-саломатлиги, шаҳримиз табиатини яхшилаш йўлида қилинаётганлигини унутмасалар бас.

**Николай ГИРЯНСКИЙ,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг етакчи мутахассиси.**

Тоза ҳаво — танга даво

## ВИЖДОНЛАРИГА ҲАВОЛА

"Тоза ҳаво — танга даво" дейдилар. Чини билан покиза сувдан ичиб, тоза тупроқда етиштирилган ноз-неъматлардан баҳраманд бўлиб, тоза ҳаводан тўйиб нафас олганга нима етсин! Шаҳримиз ҳавоси айнан шундай тозами? Унда турли-туман чанг-тўзондан тортиб, зарарли моддаларгача йўқми? Шуни аниқлаш ниятида шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети Тошкент шаҳар ҳокимлиги ички ишлар Бош бошқармасининг давлат автомобиль назорати бошқармаси, ўзбекнефть ва газ назорати билан биргаликда шу йил 10 майдан 10 июнгача "Тоза ҳаво" дастурини ўтказди.

Дастурдан кўзда тутилган асосий мақсад шаҳримиз кўчаларида жавлон ураётган машиналар экологик талабларга жавоб берадими йўқми, аниқлаш, уларнинг аҳволини яхшилаш чора-тадбирларини кўришдан иборат эди. Икки ой мобайнида 105 автокорхона, давлат қарамоғидаги 12 ҳамда хусусийлаштирилган 10 ёнилғи қуйиш тармоқлари синчиклаб кўздан кечирилди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш 6 та устахоналари назоратдан ўтказилди.

"Тоза ҳаво" дастури мобайнида давлат хизматидаги 6035 автомобилларнинг зарарли моддалар чиқариши ва тутунлари текширилди. Улардан 2085 таси экологик талабларга жавоб бермайди. Улар чиқарган газда углерод миқдори 34 фоизни ташкил этди. Шахсий машиналардан ҳам 9334 таси текширилганда улардан 2054 тасининг газ чиқарадиган ускуналари носозлиги маълум бўлди.

Хўш уларга нисбатан кўрилган чора қандай бўлди, деган савол туғилиши табиий. 3619 автомобиллардан фойдаланиш тақиқланди. Улардан 1710 таси давлат ҳисобидаги, 1909 таси хусусий машиналар эди. Автокорхоналарнинг 113 нафар раҳбар ходимларига жарима белгиланди. 383 ҳайдовчи ўз ишига совуққонлик билан муносабатда бўлгани учун жарима тўлайдиган бўлди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида 238 йўл-йўриқ ва кўрсатма берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, автокорхоналарда 218 газоанализаторлар, тутун таркибини ўлчовчи мосламалар мавжуд. 14 та кўчма диагностика нуқталари ташкил этилган. 15 та кўчма қурилма катта автомобиль йўлларида иш олиб боради. Лекин шунчалар диққат-эътибор берилганига қарамай, бу йилги ўтказилган дастуримизнинг ўтган йилгисига қараганда натижалари кишини хурсанд қилмайди. 1993 йилда юқори меъёрда зарарли газлар чиқарадиган автомобиллар 14 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил бу кўрсаткич камайиш ўрнига 26 фоизга етди.

Афсуски, қатор автокорхоналар қарамоқларидаги машиналарнинг ҳавони ифлослантираётганига етарли аҳамият бермайдилар. Автотранспорт воситаларини ўз вақтида сифатли қилиб созлаш масаласига панжа орасидан қарайдилар. Масалан, "Махсустранс"нинг 3-автосаройидаги (директори Х. Мавлонов) 25 фоиз автомобиллар экологик талабларга жавоб бермайдиган аҳволда бўлса ҳам йўлга чиқаверади. "Тошмуҳандисқурилиш"нинг 6-механизация бошқармасида (бошлиғи В. Саяпин) 20 фоиз, "Махсустранс"нинг 9-автосаройида (директори А. Орипов) 20 фоиз, 7-таксилар саройида (директори М. Тўлаганов) 18 фоиз, 12-автосаройда (директори Ш. Муҳаммаджонов) 16 фоиз машиналар нуқсони билан бўлса ҳам хизматга чиқариб юборилаверади. Айниқса "Махсустранс"нинг 6- (директори А. Толипов) ва 2- (директори Э. Бекмуродов), "Технолог" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг автосаройида (директори Ҳ. Элмуродов) аҳвол яна ҳам мушкулроқ. Бу автосаройларда 1994 йил учун табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилмаган, борлари ҳам шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети билан маслаҳатлашилмаган.

Айтаверсак, гап кўп. Лекин гап билан қачон иш битган? Наҳотки шаҳримиз ҳавосининг мусаффо бўлиши кўп ҳолларда турли маркалардаги автомобилларнинг соз ёки носозлигига боғлиқлигини мутасаддилар билмаса? Наҳотки, тоза ҳаво инсонлар саломатлигининг асосий гарови эканлигини унутиб қўйишган бўлса? Ҳадеб жарима тўлаб, жуда бўлмаганда маъмурий жазога тортилиш кимга ёқади? Бизнингча ҳеч кимга. Шундай экан, ҳар бир автокорхона, ҳар бир транспорт воситаси ҳайдовчиси ўз ишига виждонан ёндошишидан умидвормиз.

**Муборак ХОНХЎЖАЕВА,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети масъул ходими,**
**Одил ХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар ДАНБ техника назорати бўлими бошлиғи.**

Бу — қизиқ

## ХАЛОСКОР ҚАЛДИРҒОЧЛАР

ҲАЁТ ғаройиботларга тўла. Қадимги Румода олис масофаларга хат ташиш учун қалдирғочлардан фойдаланилган. Бу жониворлар каптарларга нисбатан анча тез учадилар. 1920 йилда Нью-Йорк шаҳрида кўкрагига хат беркитилган қалдирғочни тутиб олишди.

Табиатшунос Геллер Жанубий Америкадаги тоғлардан бирида адашиб қолиб, Нью-Йоркдаги дўстига (қалдирғочнинг эгаси) тезда ёрдамга етиб келишни илтимос қилиб хат ёзади. Халоскор қалдирғоч кунига 600 километрдан йўл босиб, беш кун деганда Жанубий Америкадаги манзилга етиб келган. Шундан сўнг экспедиция тезда тайёргарлик кўриб йўлга отланади. Натижада қалдирғоч туфайли табиатшунос бир ўлимдан қолади.

Кўриниб турибдики, жониворлар азалдан одамга дўст бўлиб келишган.

**Иззат АҲМЕДОВ тайёрлади.**

Ия, наҳотки?!.

## СУВГА ЧАНҚОҚ НИҲОЛЛАР

Ибн Сино мавзесидаги 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтидан бошланган кўча (собиқ Жаркўча)нинг икки томонига бора-боргунча арча ва бошқа манзарали дарахтларнинг ниҳоллари экилган эди.

Баҳор ёмғиридан кейин тахминан 2 мингга яқин бу ниҳоллар бирор марта ҳам сув ичгани йўқ. Ҳатто уларнинг таги юмшатилиб, бирор челак сув қуйилмади. Ваҳоланки экилган дарахтларнинг икки томонида чиройли бетон ариқлар бор. Шу ариқлардан ҳар доим сув оқиб турса бўлади. Чунки илгари чойхона олдидан (ҳозир бозорча қилинди) бир тегирмон сув ўтиб бутун Ибн Сино мавзесини таъминларди. Қурилиш пайтида ишчилар тайёр ариқни кўмиб, режа асосида қурамиз, деб ташлаб кетишди. Бир тегирмон сув беҳудага Жарариққа оқиб етибди.

Туман ободонлаштириш бошқармасидаги мутасадди ўртоқлар, 4-турар жойлардан фойдаланиш идораси раҳбарлари бундай аҳволдан бохабарлар. Лекин ариқни кавлаб, сув келтириш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти. Еш ниҳолларни сақлаб қолиш ҳар биримизнинг бурчимизку. Ҳали ҳам вақт бор. Тезда бунинг олди олинмаса саратон ўтгач фойдаси бўлмайди.

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, фахрий муаллим.**



Ёзнинг гашти сўлим гўшаларда айниқса сезилади. Соя-салқин хиёбонлар, зилол сувлар оромига таъриф йўқ. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Миллий боғининг кўли доимо дам олувчилар билан гавжум.

В.Паклин олган сурат.

## СОЙ БЎЙИДА

Куни билан яйрайман,
Қолиб шўх сой бўйида.
Уфққа тик қарайман,
Завқ бор сувнинг куйида.
Олма, ўрикзор бир ён,
Бир ён буғдойзор дала.
Ёз чилласи. Саратон.
Қуёш чўғ бўлган палла.
Тандирдай қизир тоғ-тош,
Фақат шўх сой шовуллар.

Кўксига чўккан қуёш
Туб-тубида ловуллар.
Бу қувонч ўлкасида
Ҳаёт бирдай кулади.
Сой сувин елкасида
Олма оқиб келади.
Олмаларни дил хушлаб,
Дўстлар бирга тотамиз.
Карсиллатиб бир тишлаб,
Яна сувга отамиз.

Тошдан тошга сакраб сув
Дур, марварид сочади.
Тишланган олмани у
Яна олиб қочади.
Олиб қочма олмани
Кафтларингда сой суви.
Билсанг, севаман сани,
Чин дўстимсан кун бўйи.
Менинг эрка сойимсан,
Хушлигим, чиройимсан.

**ТЎЛҚИН.**

